*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2014 йил
**18 октябрь**
ШАНБА
**№ 84** (12720)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган


Сабзавотчилик

## ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ

**Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти олимлари муайян экинларни етиштириш учун сарфланадиган меъёрдаги сув миқдорини 45 фоизгача камайтириб, ҳосилдорликни 25 фоизга ошириш мумкинлигини амалда исботлади. Олиб борилган илмий изланишлар натижасида яратилган янги технология шундай муваффақиятга эришиш имконини берган, тажрибадан яхши ўтган.**

– Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, айниқса, мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди мазкур институт директори Р. Ҳакимов. – Институтимиз олим ва мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган янги технология тежамкорлиги билан аҳамиятли. Эгатларга 12 микрон қалинликдаги қора плёнка қопланиб, томчилатиб суғориш тармоқлари тортилса, экин тез ва соғлом ривожланади. Ҳосилдорлик юқори бўлади. Муҳими, бу усул сувни юқори даражада тежаш имконини беради. Айни пайтда бир гектар майдонда етиштирилаётган қалампир, бақлажон, помидор каби экинларни бир марта қондириб суғориш учун атиги икки тонна сув ишлатилмоқда.

Плёнка усули бегона ўтларга қарши курашишда ҳам қўл келади. Анъанавий усулда сабзавот экинлари уч мартагача чопиқ қилинса, мазкур технологияда бунга ҳожат қолмайди. Чунки, тупроқнинг меъёрий намлиги мақбул даражада сақланади. Лойиҳа муаллифларининг фикрича, бундай технология ёрдамида исталган сабзавот экинини етиштириш мумкин экан.

Институтда ишлаб чиқилган яна бир инновацион лойиҳа томчилатиб суғориладиган экин майдонларини сув билан таъминловчи агрегатларни ишлатишда энергия манбаларидан самарали фойдаланишни кўзда тутади. Қуёшдан қувват олиб ишлайдиган мазкур технология аҳоли пунктидан узоқ ҳудудларда, чўл ва адирларда меҳнат қилаётган деҳқон ва фермерларга жуда қўл келади. Ушбу қурилмадан ҳар қандай об-ҳаво шароитида, куннинг исталган вақтида фойдаланиш мумкин. Боиси, у куннинг қуёшли пайтларида керакли энергия захирасини тўплаш хусусиятига ҳам эга.

Ўтган вақт мобайнида ушбу даргоҳда бу каби кўплаб лойиҳалар самарали амалга оширилди. Сабзавот ва полиз экинларининг саксондан зиёд, картошканинг ўнга яқин янги нави яратилди. Бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

**Бекзод ҲИДОЯТОВ,**
**ЎзА мухбири.**



## САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ: ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК

### Давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловига 63 кун қолди

Вилоят сайлов комиссияси тасдиқлаган Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тадбирлари дастури изчил амалга оширилмоқда.

– Бу айни чоғда эркин фуқаролик жамиятини бунёд этиш жараёни ҳамдир, – дейди вилоят сайлов комиссияси раиси ўринбосари Зокир Маркаев. – Сайлов кампанияси бошланиши расмий эълон қилинганидан сўнг Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига ҳудудда сайловолди жараёнини амалдаги қонунчиликка мувофиқ ташкил этиш масалалари киритилди. Вилоят Кенгаши депутатлари сайлови 60 та сайлов округида бўлиб ўтади. Тўртта сиёсий партия ҳар бир округга биттадан, яъни 60 нафардан номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Округларнинг ҳар бирида ўртача 31 минг 800 сайловчи овоз беради.

Очиқлик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида сайловга тайёргарлик босқичлари, жумладан округ сайлов комиссияларининг таркиби ва манзили ҳақидаги ахборотлар маҳаллий газеталарда эълон қилинди.

*(Давоми 2-бетда).*

2014 йил – Соғлом бола йили

## ГЎДАК ҚУЧОҒИДАГИ... ХАТАР

**Қизалоғим тўрт ёшга тўлаяпти. Унга тузукроқ совға олишим керак. Ахир эсини таниб қолди, унча-мунча нарсанинг фарқига боради. Шу хаёл билан пойтахтимиздаги машҳур болалар дўконларидан бирини айландим.**

Бир-биридан чиройли қўғирчоқлар, юмшоқ ўйинчоқлар-у, аслидан сира фарқ қилмайдиган ошхона буюмлари кўзни қувнатади. Қиз болага энг яхши совға қўғирчоқ дея расталарни кўздан кечирдим. Тўқ кўк ранггдагиси эътиборимни тортди, либоси ҳам жуда ярашиб турибди. Сотувчидан уни ўраб беришни сўрадим. Аммо ҳисоб-китобга келганда нархидан ёқа ушладим. Нақд 750 минг сўм экан. Ҳар қанча ноқулай бўлмасин, қўғирчоқни қайтариб бердим.

"Қиммат беҳикмат, арзон беиллат бўлмас" деган гап бор. Аммо, бу қўғирчоқнинг нима кароматi борки, у шунча қиммат турса?

Бугун кўп ота-оналар фарзандларига ўйинчоқ танлашда хатога йўл қўяётганлари бор гап. Кўпчилик қиммат ўйинчоқлар сифатли бўлади деган фикрга амал қилмоқда. Бироқ ҳатто дунёга машҳур, жаҳон бозорларини эгаллаган ўйинчоқ ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам сифатсиз маҳсулот тайёрлаши мумкин. Масалан, Американинг Mattel компанияси дунёга донг таратган Барби қўғирчоқларини ишлаб чиқарар эди.

*(Давоми 4-бетда).*

Муносабат

**23 йилдирки, мустақиллик неъматларидан баҳраманд яшамоқдамиз. Бу неъматларнинг энг улуғи ҳурлик, озодлик бўлса, ундан ҳам азизроғи тинчлик, осойишталикдир.**

## КЎНГЛИМИЗ ТОҒДЕК КЎТАРИЛДИ

Не бахтки, дориламон кунлар насиб этди бизга. 90 ёшдан ошган бўлсамда, ҳамон яшаш завқи кўзимга нур, белимга қувват бўлмоқда. Зеро, озод Ватан, эл-юрт ва мамлакатимиз раҳбарининг доимий эътибори, ардоғидамиз.

Яқинда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан қадру эъзозга мушарраф бўлган эдик. Бугун эса, мустақил Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг биз кексалар – уруш ва меҳнат фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармонини ўқиб, кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Алҳол, ёш ўтган сари ёнингда суянчиғинг, бошингда ҳимоячинг бўлишига зарурат сезаверар экансан. Бизни қўллаб-қувватлаётган, соғлигимизни тиклаш учун жон куйдираётганлар омон бўлсин. Энди, ҳар йили хоҳлаган пайтимда соғлигимни тиклаш, дам олишим мумкин. Яна бепул. Бундай ғамхўрлик, ҳиммат учун миннатдормиз. Илоҳим, мустақил Ўзбекистонимизни, давлатимиз раҳбарини Яратганнинг ўзи қўлласин!

**Жалол ИСКАНДАРОВ,**
**Бекобод шаҳри.**

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

## ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИ ҲУШЁРЛИК

**Тошкент Давлат аграр университети қошидаги Қибрай академик лицейи ўқувчилари иштирокида "Маънавий баркамоллик – ёшларни турли иллатлардан сақлайди" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Вилоят ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси ташаббуси билан, вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбати ёшларни маънавий баркамол этиб тарбиялаш, уларни турли иллатлардан сақлаш масалаларига бағишланди.**



Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш доирасидаги тадбирда ёш авлоднинг ўз истеъдод ва салоҳиятини рўёбга чиқариши учун қулай шароитлар яратиш, миллий менталитетимизга ёт бўлган турли иллатлар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олишга оид кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

– Тадбирда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш юзасидан фикр алмашинди, – деди вилоят ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси катта инспектори Зулайҳо Қаландарова. – Шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги глобаллашув жараёни ёшларимизни турли иллатлардан сақлаш масалаларига янада ҳушёр муносабатда бўлишга ундайди. Шу мақсадда вилоят ички ишлар идоралари профилактика хизмати ходимлари вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида кенг кўламда тарғибот олиб бормоқдалар. Ушбу давра суҳбатида билдирилган мулоҳазалар, келтирилган ҳаётий мисоллар ёшларимиз тўғри йўлдан адашмаслигига хизмат қилади.

Тадбир сўнгида вояга етмаганлар ва ёшлар содир этаётган ҳуқуқбузарликлар ва уларнинг оқибатлари акс этган "Олов билан ўйнашганлар" фильми намойиш этилди.

**Саид ҲАСАНОВ.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

## ЖОЗИБА, НАФОСАТ, ГЎЗАЛЛИК УНДА МУЖАССАМ

**Ўзбек гимнастикачи қизлари эришаётган ютуқларга бағишланган кўрсатувни оиламиз даврасида мароқ билан томоша қилдик. Қизларнинг сарвқомати, ўзига ярашган либосларию жозибаси, ҳатто жажжи қизалоғимнинг эътиборини тортди.**

– Бу спорт тури ўзига хослиги билан бошқаларидан фарқ қилади, – дейди Ўзбекистон Гимнастика федерацияси вилоят бўлими раиси Нафиса Турғунова. – У энг аввало, қизларда ўзларига ишончни шакллантиради. Шу билан бирга, олдига аниқ мақсад қўйиш, қийинчиликларни меҳнат билан енгишга ўргатади. Бундан ташқари, қизларни ҳар томонлама чиниққан, соғлом бўлишларини таъминлайди. Чунки, унда ҳам спорт, ҳам мусиқа, ҳам санъат уйғунлиги бор. Бу эса фарзанд тарбияси ва камолотида муҳим аҳамиятга эга.

*(Давоми 4-бетда).*

Қиш тараддуди

## ТАЪМИРЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

**"Қиш уйи тор..." ибораси бежиз айтилмайди. Унинг мазмун-моҳияти кенг ва чуқур. Совуқда жунжикиб турган одамдан нимани ҳам кутиш мумкин? Аксинча, иш жойи иссиқ бўлган кишининг кайфияти юқори, меҳнати унумли ва сифатли бўлади. Бинобарин, ҳар йили ёзнинг бошлариданоқ корхона, ташкилот ва муассасаларни куз-қиш ойларида узлуксиз ишлашга, аҳоли тураржойларини иситиш учун табиий газ, иссиқ сув билан таъминлашга пухта тайёрланилади. Республика Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг шу муҳим масалага оид қарорлари ижроси қатъий назорат қилиб борилади.**

Таъкидлаш жоизки, куз-қиш мавсумига шу тартибга тайёргарлик кўриш анъанага айланганини боис, жумладан, вилоятимиз иқтисодиёт тармоқлари барқарор ишламоқда. Хусусан, "Тошкент вилояти шаҳарлараро йўловчилар ташиш автосаройи" масъулияти чекланган жамияти раҳбарияти таҳририятга маълум қилишича, куз-қиш мавсумига тайёргарлик чора-тадбирлари ҳар йилгидек вақтида ва мукаммал амалга оширилди. Энг муҳими, барча эшик ва эски дераза ромлари совуқ ҳаво ўтказмайдиган янги акфа ромларига алмаштирилди. Муҳандис-техник ходимлар ишлайдиган хоналар ҳам қиш мавсумига мослаштирилди. Айниқса, пайвандчи, чилангар ва бошқа таъмирловчилар қиш совуғида ҳам бемалол ишлашлари учун ҳамма таъмирхоналарга зич ёпиладиган дарвозалар ўрнатилди. Бу эса автопаркдаги бор автобуслардан юқори коэффициент билан фойдаланишга мустаҳкам заминдир.

**Ўз мухбиримиз.**

## «КАМАЛАК ЮЛДУЗЛАРИ» КАШФ ЭТГАН ИСТЕЪДОДЛАР

**Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни комил инсонлар қилиб тарбиялаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истеъдодларини тўла намоён этишлари учун шароит ва қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, "Камалак юлдузлари" болалар ижодиёти фестивалининг бу йилги танлови жажжи истеъдодларни кашф этмоқда, десак муболаға бўлмайди.**



*(Давоми 3-бетда).*

21 октябрь – «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинган кун

## ТИЛИМИЗНИНГ ЖАҲОНДАГИ ЎРНИ ВА МАВҚЕИ

**1989 йил 21 октябрда "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши амалда тилимиз равнақи учун бутун янги даврни бошлаб берди. Мустақиллик тилимиз тараққиёти учун чинакам имконият яратди. 1995 йилнинг 21 декабрида "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди.**

Ер юзида 3 мингдан 6 минггача тил бор, деб қаралади. Аммо улар аввал оилаларга, кейин тармоқларга, сўнг гуруҳларга бўлинади. Бу таснифда ўзбек тили Олтой тиллари оиласига киради. Бу оила яна турк, мўғул, манчжур, япон, корейс тил тармоқларига бўлинади. Бир оилага кирадими, демак, талай лисоний хусусиятларига кўра, тилимиз, ҳатто, мўғул, япон ва корейс тиллари билан ҳам муайян қариндошликка эга.

Ўзбек тили туркий тиллар тармоғига киради. Дунёда, энг йирикларини ҳисобга олганда, 24 та туркий тил бор. Жаҳоннинг 200 миллиондан ортиқ аҳолиси шу тилларда сўзлашади.

Қанча киши гаплашишига қараб ҳам тиллар катта-кичикка бўлинади. Бу жиҳатдан ўзбеклар жаҳон туркийлари орасида турклардан кейинги иккинчи ўринда туради.

*(Давоми 2-бетда).*

# САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ: ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тақвим режасига мувофиқ, қарийб 872 та сайлов участкаси ташкил этиш ва уларни зарур жиҳозлар билан таъминлашга киришилди. Мазкур сайловларда 1 миллион 908 минг 759 нафар сайловчи иштирок этиши кутилаяпти.

Вилоят сайлов комиссияси аъзоси Нигора Рустамованинг айтишича, вилоят аҳолиси сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнига оид саволлар билан мурожаат қилмоқда. Сайлов комиссияларининг манзиллари ва телефон рақамлари кўрсатилган рўйхат матбуотда эълон қилингани уларга қулайлик яратмоқда. Компьютерлардаги маълумотлар, комиссия кутубхонасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламлари нафақат аъзолар, балки фуқаролар учун фойдали манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Округ сайлов комиссияларига кўмак бериш вилоят сайлов комиссияси фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Айни кунда сайлов комиссиялари аъзоларининг қонун нормалари, сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ҳақидаги билимларини оширишга қаратилган семинар-тренинглар ташкил қилишга ҳозирлик кўрилмоқда. Комиссия аъзолари жойларда бўлиб, сайлов қонунчилиги ва унга киритилган ўзгартиш ҳамда қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти тушунтирилмоқда.

– Комиссиямиз таркибига округ ҳудудида яшовчи обрў-эътиборга сазовор кишилар жалб этилди, – дейди Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 8-"Олмалиқ" округ сайлов комиссияси раиси Инобат Отабоева. – Улар орасида ўқитувчилар, маҳалла фаоллари, шифокорлар бор. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмагида сайловчилар билан учрашаяпмиз, уларга сайлов кампаниясини ўтказиш босқичлари ва қонунчиликдаги янгиликларни тушунтирмоқдамиз.

Вилоят сайлов комиссияси ҳузурида матбуот гуруҳи ишлаяпти. "Мамлакатни янада модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда оммавий ахборот воситалари ролини ошириш" лойиҳаси доирасида уюштирилган тадбирларда журналистлар сайлов мавзуини ёритиш бўйича зарур билим ва кўникмаларга эга бўлишди. Иштирокчиларга қўлланма ва адабиётлар тарқатилди.

**Хуршида ТУРСУНБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## 21 октябрь – «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинган кун

# ТИЛИМИЗНИНГ ЖАҲОНДАГИ ЎРНИ ВА МАВҚЕИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимиз аҳолисининг 80 фоизи ўзбеклар. Миллатдошларимизнинг 20 фоизи эса хорижий давлатларда истиқомат қилади. Демак, жаҳондаги ўзбеклар 31 миллион атрофида.

Ўзбеклари энг кўп мамлакат Ўзбекистон бўлса, иккинчи ўринда Афғонистон Ислом Республикаси туради. Бу қўшни давлатда, тахминий маълумотларга кўра, 3 миллиондан 5 миллионгача ўзбек яшайди. Бу мамлакатда пуштун ва дарий тиллари давлат тили, ўзбек тили расмий тил ҳисобланади.

Қўшни Тожикистон аҳолисининг 25 фоизи, яъни 1,5 миллиони – ўзбеклар. Қирғизистон ва Саудия Арабистонининг ҳар бирида 600 мингдан ошиқ, Қозоғистон ва Туркманистонда 300 мингдан ортиқ ўзбек яшайди. Туркия, Германия, АҚШ, Россия ва бошқа давлатларда ҳам миллатдошларимиз бор.

Баралла айтиш мумкинки, ўзбек тили юқорида айтилган 24 туркий тил орасида энг юқори мавқега эга. Бундай дейиш учун етарли асослар бор. Хусусан, тилимиз форсий, арабий сўзлар кўплиги жиҳатидан дунёдаги барча туркий тиллардан кескин ажралиб туради. Масалан, Алишер Навоий тилида ҳам, ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам араб лисонидан кириб келган сўзларнинг умумий миқдори 25-30 фоиз атрофида.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири устоз Эркин Воҳидов яқинда "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи чоп этган "Сўз латофати" китобларида шундай деб ёзадилар: "Ўзбек тили уч дарёдан сув ичган.

...Кўпгина сўзларнинг ўзбекчаси ҳам, арабчаси ҳам, форсчаси ҳам тилимизда баробар ишлатилади. Арабча "Аллоҳ" ёнида форсча "Худо", туркий "Тенгри" сўзларимиз бор. "Юрак" ҳам, "қалб" ҳам, "дил" ҳам деймиз. Арабча "исм", форсча "ном", ўзбекча "от" – учови ҳам ўзимизники. Тил, забон, лисон бизда шу сабабдан беқиёс бой ва рангин" (10-бет). Фақат бир-бирига яқин маънода ишлатиладиган, келиб чиқиши турли тилларга мансуб бу сўзларнинг ҳар бирига ўзига хос услубий вазифа юклатилади, яъни тилда баъзан унисига, баъзан бунисига эҳтиёж туғилади. Масалан, "қалб кўри" деймиз, "юрагидан урибди" деб ишлатамиз, "дилини оғритди" деб айтамиз, "кўнглини қолдирди" ҳам деймиз. Аммо, "дил кўри", "кўнглидан урди", "қалбини оғритди", "юрагини қолдирди" тарзида ишлатсак, хато қиламиз – нутқимиз табиийлигига путур етади.

Тил шундай нарсаки, у бошқа тилдан сўз ё ифода қабул қилса, халқ уни бемалол ишлатаверади, энди чет ифода ҳам шу тилнинг ўз сўзига айланади. Арабий ва форсий сўзларнинг кўплиги ўзбек тилини янада қувватли, бой қилиб турибди. Келиб чиқиши арабий ёки форсий бўлган бундай сўзларнинг айримлари тилимизда ўша ўзи келиб чиққан тилдагидан тамоман бошқа маъноларни ифодалашга ҳам хизмат қилаверади. Масалан, "хона" сўзи тожикчада "уй" маъносини ифодалайди. Аммо биз бу сўзга, асосан, русчадаги "комната" сўзига мос келадиган маъно юклаб олганмиз. Айтайлик, "тўрт хонали уй" деймиз. "Хона" сўзи "ошхона", "чойхона", "сартарошхона", "ётоқхона", "қоровулхона", "чиптахона" ва ҳоказо қўшма сўзларни ҳосил қилишда фаол ишлайверади.

Беш жилдли "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да (2006-2008) 80 мингдан ошиқ сўз ва сўз бирикмаси изоҳланган. Аммо мумтоз меросимизда ҳозирги ўзбек тилида фаол бўлмай қолган яна қанчадан-қанча архаик ёки тарихий сўз мавжуд. Шеваларимизда ҳам адабий тилда оммалашмаган яна кўплаб сўзлар бор. Буларнинг бари қайд этилиши, тўпланиши, илмий ўрганилиши, маънолари атрофлича изоҳланиши керак. Бу вазифани қанча кечиктирсак, иш шунча мушкул бўлиб бораверади. Ҳатто, замонлар ўтиши билан шевалардаги айрим ноёб сўзларнинг йўқолиб қолиш хавфи ҳам бор. Эндиликда ўзбек тилининг ялпи луғатини тузиш лозим. Бу улкан луғатда тилимизнинг бутун тарихидаги, шунингдек, барча шеваларимиздаги ҳамма сўзларни қамраб олишни мақсад қилмоқ зарур.

Ўрни келгани учун бир муҳим жиҳатни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Гарчи XIX аср иккинчи ярмига қадар Марказий Осиёда учта давлат (Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Қўқон хонлиги) ҳукм сурган бўлса ҳам, шу уч давлатда яшайдиган асосий аҳоли, яъни ўзбекларнинг ягона адабий тили мавжуд эди. Айтайлик, Қўқонда Амирий, Увайсий, Нодира қайси тилда асарлар ёзган бўлса, Хивада Мунис, Огаҳий, Комил, Бухорода Мужрим Обид ҳам айнан шу адабий тилда ижод қилган.

Ҳозирги пайтда дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатлари олий таълим муассасаларида ўзбек тили махсус ўрганилаяпти. Ўзбек тилидаги бой меросни жаҳоннинг турли тилларига таржима қилишга қизиқиш ҳам ошиб бораётир. Шунингдек, глобаллашув таъсирида тилимизга кириб келаётган янги-янги тушунчаларни қандай ифодалаш масаласида атрофимиздаги қардош тиллар бизга қараб мўлжал олаётганини сезиш қийин эмас. Келажакда тилимизнинг айнан туркий тилларни ўзаро мувофиқлаштириш жиҳатидан тутган ўрни ва мавқеи ҳам илмий тадқиқотлар асосида аниқ-тиниқ кўрсатиб берилади.

Хуллас, тил равнақи бевосита унинг эгаси бўлган халқнинг умумтараққиёти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда юз беради. Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги ўрни ва мавқеи ошиб боргани сайин ўзбек тилининг жаҳондаги, айниқса, туркий тиллар орасидаги ўрни мустаҳкамланиб, мавқеи янада ортиб бораверади.

**Султонмурод ОЛИМ,**
**вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти доценти.**

# НОМЗОДЛАРНИ ДЕПУТАТЛИККА ТАЙЁРЛАШ

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят Кенгаши Қуйи Чирчиқ туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда "Депутатлик гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш, сиёсий партиялар ҳудудий ташкилотлари томонидан сайлов жараёнида депутатликка номзодлар тайёрлаш ва кўрсатишнинг долзарб масалалари" мавзуида семинар-тренинг ташкил этди.**

Партия фаоллари ва депутатлар иштирок этган тадбирда "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритилган ўзгартиришлар ҳамда ҳудудлардаги иқтисодий ва ижтимоий масалалар ечими бўйича муқобил лойиҳаларни илгари суришда партияларaро рақобатнинг ўзига хос жиҳатлари", "Сайловларда партия томонидан маҳаллий кенгаш депутатлигига кўрсатиладиган номзодлар захирасини шакллантириш, уларни депутатликка тайёрлаш ва номзод сифатида кўрсатишни ташкил этиш масаласи" мавзуларида маърузалар тингланди.

Тадбир сўнгида партия гуруҳларининг Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессиялари ва доимий комиссиялари йиғилишлари муҳокамасига партиянинг дастурий мақсадлари ва электорат манфаатларини акс эттирувчи аниқ ижтимоий масалалар ечимига қаратилган қарор лойиҳаларини тайёрлаш ва киритиш масаласи кўриб чиқилди.

**Наргис МАМАТҚУЛОВА.**



# АДОЛАТ – ҲАЁТНИНГ БОШ МЕЗОНИ

**Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида Ўзбекистон "Адолат" социал демократик партияси вилоят кенгашининг V ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.**

Конференцияда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, туман, шаҳар делегатлари, партия фаоллари ва фахрийлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Конференциянинг кун тартибида Ўзбекистон "Адолат" СДП-нинг "Адолат – ҳаётимизнинг бош мезони" деб номланган сайловолди дастури ижросини таъминлашдаги фаолияти, партия ташкилоти тафтиш комиссияси ҳамда вилоят кенгашининг ҳисоботлари кўриб чиқилди.

Конференция сўнгида партия томонидан қўлга киритилган ютуқлар ва шу билан бирга, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар айтиб ўтилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Наргис ХАСАНОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**
**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**

# ТАДОРИК

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг навбатдаги съездига Тошкент вилоятидан делегатлар сайлашга бағишланган конференция бўлиб ўтди.**

Унда партия фаоллари, делегатлар, тегишли ташкилотлар вакиллари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди. Жорий йилнинг 21 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловда фаол иштирок этиш, партия ҳудудий ташкилотларида амалга оширилаётган ишлар атрофлича муҳокама қилинди.

– Ўтган йиллар давомида партиямиз томонидан аниқ мақсадга йўналтирилган кўплаб лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилди, – дейди ЎзЛиДеП Тошкент вилояти кенгаши раиси О. Исломов. – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ўз шахсий бизнесини бошлаш истагида бўлган аҳоли, айниқса, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор ишлар қилинди. Натижада янги иш ўринлари яратилди. Партия фаолларининг сафи кенгайди.

Тадбирда бўлажак сайловни юқори савияда, демократик тамойиллар ва адолат принциплари асосида ўтишини таъминлашга қаратилган ишлар хусусида фикр алмашилди. Партиянинг бу борадаги вазифалари белгилаб олинди. ЎзЛиДеПнинг навбатдаги съездига делегатлар сайланди.

**ЎзА.**

## Тадбиркорлик

# МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТГА ЧИҚАРИЛАДИ

**Яқин йилларгача болалар учун зарур бир марталик гигиеник тагликларнинг асосий қисми хориждан келтирилар эди.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларга тегишли имтиёз ва преференциялар бериш, қулай шароит ва ишбилармонлик муҳити яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада ишлаб чиқариш, хусусан, илгари валюта ҳисобига хориждан келтирилган юқоридаги сингари товарларнинг аксариятини юртимизда тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларининг изчил амалга оширилаётгани ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириш, нарх-навони мақбуллаштириш ва валюта сарфини камайтириш имконини бераётир.

Қибрай туманидаги "Соф гигиеник" масъулияти чекланган жамиятида соатига йигирма тўрт минг донагача гигиеник таглик ишлаб чиқарилаётир.

"Jonni bebi" савдо белгиси остида, болалар учун тайёрланаётган ушбу маҳсулот ҳавони яхши ўтказади. Таркибида шифобахш экстрактлар мавжуд бундай тагликлар гўдакнинг нозик танасига зиён етказмайди, турли тошмалар ва аллергик реакцияларни келтириб чиқармайди.

– Маҳсулотимиз сифат борасида хорижникидан қолишмайди, – дейди корхона раҳбари Ҳабибулла Абдиев. – Яқинда қўшни давлатлардан буюртма олдик. Энди экспортни йўлга қўямиз. Бу ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш имконини беради.

**ЎзА.**

## Нишондорларимиз

**Эргаш ота Рўзибоевни Бекобод туманида танимаган одам бўлмаса керак. У ҳақда гап очилса, кўпчилик: "Ўзимизнинг Эргаш ака-да," деб қўйишади. Шу туфайли бўлса керак, 75 ёшли отахонга Ўзбекистон мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида республика Президенти Фармони билан "Меҳнат шуҳрати" ордени берилгани бутун бекободликлар қалбида қувонч уйғотди. Телефон орқали, уйига ва ишхонасига келиб ёки кўча-кўйда табрикловчилар кўп бўлди.**

# ЎЗИМИЗНИНГ ЭРГАШ АКА

Меҳнат фаолиятини оддий электр монтёрликдан бошлаган Э. Рўзибоев камтарин, муҳнаткаш, энг муҳими, тиришқоқлиги сабаб бўлса керак, тез кўзга кўринди. Олий илмгоҳни битиргандан сўнг туман ёшлар ташкилотида, давлат идораларида ишлади. Мустақиллик йилларида туман ҳокимининг ўринбосари бўлди, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлимини бошқарди. Мана, 6 йилдирки, фахрийларни қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси туман бўлимига раислик қилмоқда.

Муболағаси йўқки, тумандаги деярли барча тадбирлар Эргаш отасиз ўтмайди. Айниқса, унга сўз берилса, вазиятни тўғри англаши, нуронийлар манфаатларини астойдил ҳимоя қилиши билан ҳаммани қойил қолдиради.

Отахон бўлимга раислик қила бошлаган дастлабки даврда фахрийларни қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази 13 та бўлса, бугунга келиб 40 тага етди. Улар орасида республика "Нуроний" жамғармаси ташкил этган танловда 2-ўринни олган ва жамғарма марказий кенгаши бошқарувининг фахрий ёрлиғига сазовор бўлган Жумабозор қишлоқ фуқаролар йиғини жамоатчилик маркази ҳам бор.

...Эргаш отани туман ҳокимлиги биноси олдида қаергадир шошиб турган ҳолатда учратдик:

– Туманимиздан Иккинчи жаҳон урушининг уч қатнашчиси "Беларусь немис-фашист босқинчиларидан озод этилганининг 70 йиллиги" нишони билан тақдирланган. Ҳозир шу мукофотларни топшириш учун ҳоким ўринбосари билан фахрийлар ҳузурига кетаётган эдик, – деди у.

– Доим шошиб юраркансиз-да, – ҳазиллашдик.

Ҳа, ота ҳамон ҳаракатчан, тиниб-тинчимас ва ташаббускор. Тумандаги 10 минг 328 қариянинг ташвиши билан яшаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш, яхши ва ёмон кунларида ҳамдард бўлиш унга тинчлик бермайди.

– Фахрийларимизнинг 10 нафари Иккинчи жаҳон уруши ногирони, 345 нафари фронт ортида меҳнат қилганлар, 5 нафари 100 ёшдан ошган, 28 нафари ёлғиз қариялар, 659 нафари боқувчисини йўқотган кексалардир, – дейди Эргаш ота. – Туман ҳокимлиги, "Маҳалла" фонди ва бошқа жамоат ташкилотлари билан улардан мунтазам хабар олиб турамиз. Байрамларда, ҳайит кунлари албатта йўқлаб, совға-саломлар улашиш одат тусига кирган.

"Нуроний" жамғармаси туман кенгаши ўрнатган жамоатчилик назорати туфайли бунёд этилаётган иншоотларнинг қурилиш муддатлари ва сифати талаб даражасида бўлмоқда. Жумладан, 2013 йилда 6 километр масофадаги ички йўллар асфальтланиб, 600 миллион сўм маблағ ўзлаштирилди. 2014 йилда белгиланган 7 километр ички йўлдан 5 километри мукаммал таъмирланди. 7-умумтаълим мактаби вақтида қайта реконструкция қилинди, намунавий уйлар қурилишида жамоатчилик назорати давом этмоқда.

"Нуроний" жамғармаси туман кенгаши фаолияти Президентимиз томонидан муносиб баҳоланиб, Эргаш ота давлат мукофотига лойиқ кўрилгани унинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда.

– Камтарин меҳнатимга берилган юксак баҳо мени ғоятда руҳлантириб юборди, – дейди отахон. – Фахрийларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда амалга оширaётган ишларни янада такомиллаштириб бораверамиз.

**Каримқул МАВЛОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## Пахта – 2014

**Оққўрғон туманидаги "Бурхон" фермер хўжалиги бу йил 81 гектарда пахтанинг "Султон" навини парваришлади. 34 доимий аъзонинг кунни-тунга улаб қилган меҳнатлари, агротехник тадбирлар вақтида бажарилгани яхши самара берди. Биринчи теримнинг ўзидаёқ давлатга шартномадаги 231 тонна ўрнига 270 тонна "оқ олтин" топшириб, режани ортиғи билан уддалашди. Эътиборлиси шуки, уруғлик учун биринчи навга қабул қилинган пахта ёғингарчиликка қолдирмай териб олинди. Бунда, мавсумнинг отряд усулда ташкил этилгани, кунига 150-200 килограмм атрофида пахта терган Мунаввар Қобулова ва Холниса Курбонова сингари илғор теримчиларнинг ҳиссаси катта бўлди.**

# ҚИРҚ ЦЕНТНЕРНИ КЎЗЛАШАЯПТИ



– Бу йил ҳосилдорликни 40 центнерга етказишни мақсад қилганмиз, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Бурхон Қурбонов. – Ҳали далаларимизда ҳосил мўл.

Умуман олганда, хўжалик учун шартномани ортиғи билан бажариш янгилик эмас. Ўтган йилдан мисол. Пахтадан 37, ғалладан 60 центнердан ошиқроқ ҳосил олинди. Айниқса, бу йил 58 гектардаги "Крошка" ва "Москвич" навли буғдой роса бўлиб берди. Қабул пунктларига 186 тонна ғалла топширилган бўлса, қолган 191 тоннаси хўжалик омбори ва аъзоларнинг уйини донга тўлдирди.

Хўжаликнинг юқори натижаларга эришишида Б. Қурбоновнинг бой тажрибаси қўл келмоқда. Бундай дейишимизнинг сабаби бор албатта. Заминдор мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ, аниқроғи 1993 йили деҳқон хўжалиги сифатида иш бошлаганди. 22 йиллик фаолияти давомида ер ва экин билан "тиллашиш"ни ўрганди. Шартномаларни мунтазам ортиғи билан бажариб, ишонч қозонди. Шу боис, ерни оптималлаштириш даврида экин майдони 140 гектарга етди.

– Қаровсиз, ажриқ босган майдонларни ер қилгунча, жуда кўп тер тўкканмиз, – эслайди фермер. – У пайтлар ҳозиргидек техникамиз бут эмасди. Четдан ёллаш эса қимматга тушарди. Техникасиз фермернинг иши юришмаслиги ўша пайтлардан менга сабоқ бўлган.

Ҳозир хўжаликнинг БТ-150, 12-21 русумли ҳайдов ва 3 та "Беларусь-80" чопиқ тракторлари ҳамда зарур агрегатлар жамламаси ҳам бор.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## Амалий семинар

# ҚАРОР ИЖРОСИ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

**"Poytaxt" бизнес марказида Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари малакасини ошириш ўқув курсини тугатган тингловчилар учун "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлаш, фуқаролар йиғинлари ходимларининг касб ва бошқарув малакаларини янада ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ёрдам ташкил этишда малака ошириш ўқув курсининг роли" мавзуида амалий семинар ташкил этилди.**



Унда республика Президентининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорининг ижроси сарҳисоб қилинди.

Ўтган бир йил давомида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш ва фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадларида вилоят ҳокимлиги, вилоят "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, ички ишлар бошқармаси, сиёсий партиялар ҳамда қатор тегишли идоралар вакиллари иштирокида давра суҳбатлари ўтказилди.

– Давлатимиз раҳбари қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида фуқаролар йиғинларининг 960 нафар раислари ва уларнинг маслаҳатчилари, масъул котиб ва посбонлар малака оширди, – дейди вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари малакасини ошириш ўқув курси директори Аҳмаджон Ҳожиназаров. – Ўқув курсининг асосий вазифаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлаш, ёшларни касбга йўналтириш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришдан иборатдир.

Семинарда тингловчилар билимини янада мустаҳкамлаш мақсадида "Иқтидор" клуби билан ҳамкорликда билимлар беллашувчи ўтказилди.

Тадбир якунида фаол тингловчилар махсус диплом билан тақдирланди.

**Ҳасан САИДОВ.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

2014 йил – Соғлом бола йили

# ГЎДАК ҚУЧОҒИДАГИ... ХАТАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Интернет маълумотларига қараганда, ушбу компания янги туғилган чақалоқ ва ёш болаларга мўлжалланган ўйинчоқларни сотувдан қайтариб олган. Ишлаб чиқариш жараёнидаги хато туфайли ўйинчоқларнинг сифатсизлиги ва болалар соғлиғига зарар етказиши аниқланди. Демак, ота-оналар харид чоғида ўйинчоқ ишлаб чиқарувчининг машҳурлигига эмас, балки боланинг ёшига, ўйинчоқнинг шаклу шамойилига, сифатига, шу билан бирга у бола онги ва тарбиясига қандай таъсир кўрсатишига эътибор беришлари лозим. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек: "Ўйинчоқлар образи боланинг мурғак тасаввурига бамисоли тошга ўйилган нақшдек муҳрланиб, унинг онгида бир умр сақланиб қолади. Гўдакнинг улғайиб, касб танлаши, келажакда қай йўлдан бориши, ҳаёти қандай кечиши, унинг болаликда қандай ўйинчоқларга ошно бўлгани билан ҳам белгиланади".

– Ҳар бир боланинг қизиқиши ўзига хос бўлиб, бири юмшоқ ўйинчоқларни хуш кўрса, бошқасига машина, яна бирига қўғирчоқ кўпроқ ёқади, – дейди болалар шифокори Нодира Аҳмадхўжаева. – Аслида, икки ёшгача бўлган болаларга мураккаб бўлмаган ўйинчоқлар тавсия этилади. Каттароқ ёшдаги ўғил-қизларга эса аксинча, ақлни ривожлантирадиганларини танлаган маъқул. Рангли ўйинчоқлар диққатни жалб этиши табиий. Бироқ, жуда ёрқин ёки тўқ ранглиларида кимёвий бўёқ ҳам қуюқ бўлиб, у боланинг жигари, буйраги, ошқозон-ичак йўлларини заҳарлаши мумкин. Бундан ташқари, кимёвий бўёқлар кўнгил айниши, қайт қилиш, кўз остининг кўкариши, ланжлик, турли тошма ва шишларга ҳам сабаб бўлади. Харидорлар ўйинчоқ расталаридан тарқалаётган ҳидга аҳамият беришлари лозим. Агар маҳсулот сифатсиз пластмасса ва резинадан тайёрланган бўлса, ундан ёқимсиз ҳид чиқади.



Болажонларнинг кўпчилиги юмшоқ ўйинчоқларни хуш кўрадилар. Ҳатто кечкурунлари севимли юмшоқ ўйинчоғини қучоқлаб ётадиган болалар ҳам бор. Бу болаларда дўстлашиш қобилиятини шакллантиради. Бироқ...

– Ушбу ўйинчоқлар аксарият ҳолларда кимёвий-синтетик толалардан тайёрланиб, ичи пат ва чиқинди мато билан тўлдирилган бўлади, – деди Нодира Аҳмадхўжаева. – Бу болаларда аллергик касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Юмшоқ ўйинчоқлар ўзига чанг йиғгани сабабли аллергияга мойил болаларда касаллик авж олишига сабаб бўлади. Шу ўринда қўрқинчли қиёфали ўйинчоқлар болага салбий таъсир қилиб, руҳий касалликлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкинлигини таъкидлашни истардим. Демак, ўйинчоқ танлаш ота-онадан масъулият талаб этади.

Дарвоқе, маълумотларга кўра, жаҳон бозорларида сотилаётган 60 фоиз ўйинчоқларнинг сифати назорат қилинмас экан. Бундай ҳол болаларда турли касаликкларни келтириб чиқаради.

– Ўйинчоқларнинг сифатини назорат қилиш жуда муҳим, – дейди вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази санитария-гигиена лабораторияси мудираси Нигора Аширова. – Чунки, болалар бу ўйинчоқларни оғизларига солишлари мумкин. Уларнинг таркибида бир неча хил заҳарли моддалар бўладики, бу бола саломатлигига зарар етказади. Ёғоч, резина, картон, металл, шиша, мато, пахта, тери, чинни билан бир қаторда полимерлардан тайёрланган ўйинчоқлар енгил, эластик, чиройли, чидамли бўлиб, силлиқлиги учун кам ифлосланади. Лекин полимерлар ташқи муҳитга зарарли кимёвий бирикмалар ажратиши бола соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Назоратдан ўтказилган ўйинчоқлар эса бундай хавфдан холи бўлади.

Юртимизда ишлаб чиқарилаётган ва хориждан келтирилаётган ўйинчоқларнинг сертификати бўлиши шарт. Давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг махсус лабораторияларида ўйинчоқни тайёрлашда фойдаланилган хом ашё, бўёқ текширилгандан сўнг сертификат берилади.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

---

**"Туркистон" саройида спортчи қизлар ўртасида "Шарқ яккакурашлари маликаси – 2014" анъанавий кўрик-танлови бўлиб ўтди.**

**Ўзбекистон Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилган танловда қизлар спортнинг турли йўналишларида ўз иқтидор ва маҳоратини намойиш этди.**

# МАФТУНА – ТАНЛОВ ҒОЛИБИ



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизлар, айниқса, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, уларнинг ўз истеъдодини намоён этиши учун барча шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилаётир. Натижада ўзбек қизларининг қитъа ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда қўлга киритаётган ютуқлари салмоғи ошиб бормоқда.

Кўрик-танловда қизларнинг маънавий-маърифий, санъатга оид билим ва маҳорати, пазандалик санъати ҳамда кийиниш маданияти синовдан ўтказилди.

Таэквондочи Мафтуна Худоёрова "Шарқ яккакурашлари маликаси" деган шарафли номга сазовор бўлди. Ушу бўйича спорт устаси Камола Қурбонова иккинчи, дзюдода халқаро мусобақалар совриндори Амина Мамедова учинчи ўринни қўлга киритди. Ўзбек жанг санъати усталари Мафтуна Туева ва Зарнигор Нуриллаева, пенчак силат бўйича мамлакатимиз чемпиони Зулфия Розиқова турли номинацияларда ғолибликни эгаллади.

**Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

---

# ЖОЗИБА, НАФОСАТ, ГЎЗАЛЛИК УНДА МУЖАССАМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимизда фарзанд тарбияси, уларнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб voяга етишларини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шундан бўлса керак, мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда спортга алоҳида эътибор қаратилди. Янги спорт мажмуалари замон талаблари асосида барпо этилмоқда. Бу ўғил-қизларимизнинг ўзлари истаган спорт тури билан шуғулланишлари учун кенг имконият яратмоқда.

– Биз ёшларга яратилаётган имконият туфайли ўзим хоҳлаган спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқдаман, – дейди бекободлик Зилола Жўраева. – Мураббийларим кўрсатмаларини мукаммал ўзлаштириб, жаҳон спорт майдонларида Ватаним шарафини муносиб ҳимоялашни мақсад қилганман. Шунда бизга билдирилган ишончни оқлаймиз.

– Дастлаб, 47 қиз ва 2 мураббий билан иш бошлаганмиз, – гапида давом этди Нафиса Турғунова. – Бугунга келиб қизларимиз 3230 нафардан ортди. Уларга ўз касбининг устаси бўлган 68 мураббий сабоқ бермоқда. Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида гимнастика заллари ташкил этилган ҳамда керакли асбоб-ускуналар билан таъминланган. 128 та гуруҳда шуғулланиб, гимнастика сирларини ўзлаштираётган қизлар маҳоратларини нафақат вилоятимиз, балки республика миқёсидаги беллашувларда ҳам намоён этмоқдалар.

Дарвоқе, гимнастикачиларимизнинг халқаро миқёсда қўлга киритаётган ютуқлари кўплаб қизларни ушбу спорт тури билан мунтазам шуғулланишга ундамоқда.



– Халқаро мусобақаларда иштирок этаётган қизларга ҳавасим келарди, – дейди Зебо Ҳамидова. – Шукрки, бундай нуфузли мусобақаларда қатнашиш бахти менга ҳам насиб этди. Ростини айтганда, бу каби мусобақалар бошқа тенгдошларимиз билан тажриба алмашиб, малакамизни оширишга туртки бўлади.

– Қизларимиз иқтидор ва салоҳият бобида, ғайрат-шижоатда ҳеч кимдан кам эмасликларини кўп бор намойиш этганлар, – деди Ўзбекистон Гимнасти-ка федерацияси вилоят бўлими бош мураббийси Назокат Сирожиддинова. – Шундай гимнастикачиларимиз сафи кенгайиб бораётгани қувонарли. Зеро, бадиий гимнастика – навқиронлик, гўзаллик, нафосат демакдир.

**Ирода МАҚСУДОВА.**

---

# ТАИЛАНДДАН 8 ТА МЕДАЛЬ БИЛАН

**Таиланднинг Бангкок шаҳрида велоспорт бўйича ўтказилган Осиё кубогида Ўзбекистон спортчилари 1 та олтин, 3 та кумуш ва 4 та бронза медални қўлга киритди.**

Қитъанинг ўттизга яқин давлатидан энг кучли велопойгачилар иштирокида ўтказилган Осиё кубогининг велотрек баҳсларида тажрибали спортчимиз Владимир Тўйчиев гуруҳ пойгаларида олтин, шахсий пойгаларда кумуш медални қўлга киритди.

Осиё кубогининг шахсий ва гуруҳ пойгаларида қатнашган спортчиларимиздан Дилмурод Сиддиқов биттадан кумуш ва бронза, Екатерина Кнебелёва иккита бронза медаль билан тақдирланди, қизлар ўртасидаги яккалик баҳсларида Алла Безуглова кумуш медални қўлга киритди.

ЎзА хабарига кўра, мусобақанинг жамоавий пойгаларида Владимир Тўйчиев, Сергей Медведев, Тимур Гумиров ва Руслан Фёдоровдан иборат терма жамоамиз шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

**"Туркистон-пресс".**

---

Кўзгудаги ўзимиз

# ЁЛҒОННИНГ КАСОФАТИ

Кечаси Маҳзунанинг уйқуси қочди. Ҳозир ким кўп, манфаатпараст кўп. Бировларнинг оёғидан чалиб бўлса ҳам муродига етадиганлар оз эмас. Ёшлар катталарни, катталар ёшларни аямайди. Аммо бировнинг ҳақи, бировнинг ризқи бошқага насиб қилармикин? Бировнинг кўзини ўйиб, дилини оғритганларнинг бири икки бўлганини ким кўрган?

Маҳзуна бугун анча бехол уйғонди. Йўқ, у Диёрани қарғамади. Беихтиёр оғзидан чиқиб кетган бир оғиз сўзи... Мана энди: "Йўқ, мен Диёрани қарғашни истамагандим" деб ўзини чалғитишга уринаяпти. Нега ўшанда Диёра Маҳзунани яхши билмай туриб, у ишга кирмоқчи бўлган идора бошлиғига ёмон кўрсатди? Ўшанда Диёра раҳбар бўлиб ишлаётган бошланғич мактаб ёпилиб, у ишсиз қолганди. Эҳтимол, Маҳзуна ишга кираётган даргоҳда ўзи ишлашни кўзлаб, унга рақиблик қилгандир. Эҳтимол... Нима бўлганда ҳам яқиндан танимайдиган Маҳзунага лой чаплади: "Маҳзуна Жавлонованни ишга олаётганмишсиз, ахир у... Биласизми, неча марта эрга тегиб чиққан?!"

Маҳзунани сиртдангина биладиган раҳбарни Диёранинг гапи ўйлантириб қўйди. Кўп ўтмай, у Диёрани ишга қабул қилди. Маҳзуна ойлик маоши камроқ бўлса-да, севимли соҳасида ишлайверишни лозим топди. Ҳар ҳолда, меҳнат жамоасида ўз ўрни, ҳурмати бор. Раҳбари ҳам самимий, оққўнгил инсон. Маҳзунанинг бошқа ишга ўтиш нияти борлигини билгач, маошини оширди.



Кўнгли хотиржам бўлган Маҳзуна ўзига таскин берди: "Қўйни ҳам, эчкини ҳам ўз оёғидан осадилар. Диёрага ўхшаган маънан қашшоқ, қадр-қимматни пул ва мансаб билан ўлчайдиган манфаатпарастларга тенг келма! Наҳотки, энди мен мисқоллаб йиққан обрўйимни битта калтабин аёлнинг гапларига алмаштирсам? Тақдир экан, икки марта турмуш қурдим. Биринчи эримнинг умри қисқа экан, пешонамга сиғмади... Диёрага шу лавозим керак экан-да, устимдан мағзава ағдарди..."

Лекин у Диёрага ёмонлик тилагани йўқ, ўксик дили ўртанди, холос.

Кеча Диёра ишлайдиган корхонадан келган ҳисобчидан эшитган янгилиги уни эсанкиратиб қўйди:

– Исмоилова бор-ку, роса оғир аҳволда ётганмиш... Ўзиям машина олганидан кейин оёғининг остини кўрмай қолганди...

Маҳзуна унинг гапларини эшитмаганга олди. Оёқ-қўллари бўшашиб, хонасидан чиқди. Узун йўлакдаги дераза дарчасини очди. Ташқаридан кирган тоза ҳавони тўйиб симирди. Лаблари беихтиёр пичирлади: "Нотавон бандаларингни ўзинг кечир, ёмонлардан, бўҳтонлардан ўзинг асра..."

**Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.**

---

## XXI аср ва дунё

### ВРАЧ ЭБОЛА БЕЗГАГИГА ЧАЛИНДИ

**АҚШнинг Техас штатидаги шифохонада яна бир врачнинг эбола безгаги вирусини юқтириб олганлиги аниқланди, деб хабар тарқатди AFP агентлиги.**

Илгари шу шифохона ходими, 26 ёшли ҳамшира Нина Фэм эбола хасталигига учраган Томас Дунканга қараб турганида у ҳам хавфли вирусни юқтириб олган эди. Вирусни Либериядан юқтириб келган Дункан Далласдаги шифохонада 42 ёшида вафот этди.

Техас штати соғлиқни сақлаш департаменти вакиллари ҳамшира Фэм хизмат кўрсатган беморларни аниқлаб, уларни назорат остига олишди. Ҳозирги кунда ҳамшира Фэм Далласдаги клиникалардан бирида даволанмоқда. Врачлар унинг саломатлигига ижобий баҳо беришаяпти.

### МИНГЛАБ КИМЁВИЙ ҚУРОЛ ТОПИЛДИ

**Америкалик ва ироқлик ҳарбийлар Ироқда 2004-2011 йиллардан сақланиб қолган қарийб 5 минг дона кимёвий курол, жумладан, заҳарловчи моддаларга эга ўқ-дори аслаҳахонасини топиб олишди.**

The New York Times газетасининг Вашингтондаги манбаларга таяниб ёзишича, АҚШ армиясининг аслаҳахонани топишда иштирок этган камида олти ҳарбий хизматчиси кимёвий моддалардан заҳарланган. Газета ходимлари америкалик 17 ҳарбий хизматчи ҳамда ироқлик полициячилар оиласи билан боғланиб, уларнинг аҳволи билан танишди. Гап шундаки, газета мурожаат қилган манбалар кимёвий қуроллардан заҳарланганлар анча кўп эканлигини таъкидлашди.

Маълумки, Ироқда кимёвий қуроллар борлиги тўғрисидаги хабардан 2003 йилда коалиция қўшинлари ушбу мамлакатга бостириб кириш мақсадида фойдаланган эди. Бироқ, ўша пайтда бундай қуроллар амалда топилмаганди.

### ПОЛИЦИЯЧИ АЙБСИЗ ЭКАН

**Махсус экспертизанинг аниқлашига қараганда, Сент-Луис шаҳрида отиб ўлдирилган қора танли ўсмир Вандеритт Майерс полициячига қарата биринчи бўлиб ўқ узган экан.**

Криминалчилар марҳум Майерснинг қўл териси, шунингдек, шими чўнтагида порох қолдиқларини аниқлашди. Бундан ташқари, полиция турган жой кўздан кечирилганда, учта ўқ қолдиғи топилди. Бу ҳақиқатан ҳам қора танли ўсмир биринчи бўлиб ўқ узганини тасдиқлайди.

### ҚОР КЎЧКИСИ ҚУРБОНЛАРИ

**Непал марказидаги тоғларда қор кўчкиси юз бергани оқибатида қурбон бўлганлар 17 кишига етганлиги ҳақида хабар берди мамлакат армияси вакили.**

Илгариги хабарда 9 киши ҳалок бўлганлиги тўғрисида маълумот берилганди. Непал армияси матбуот котиби Ниранжан Шрестининг баёнотига қараганда, кейинчалик яна 8 альпинистнинг жасади топилган. Ҳалок бўлганлар Канада, Польша, Исроил, Ҳиндистон ва Непал фуқароларидир. Ҳарбийлар жабрланган альпинистларни излаб топиш учун иккита вертолётни ишга солдилар.

168 альпинист Торанг-Ла довонида турган пайтда қалин қор ёғиши ва тинимсиз жала сабабли ер билан алоқа узилиб қолган. Кейинчалик маълум бўлишича, улар ноқулай об-ҳаво туфайли ортга қайтишаётган экан.

Непалдаги кучли қор ва жалани Ҳиндистоннинг шарқий соҳилларига бостириб келган "Худхуд" довули келтириб чиқарган. Ушбу довул камида 29 ҳиндистонликнинг умрига зомин бўлди.

### ЭРОНДА КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА

**Эроннинг ғарбий қисмида юз берган зилзила оқибатида камида тўрт киши жабр кўрди.**

Reuters агентлигининг маҳаллий телевидение кўрсатувига таяниб хабар беришича, ҳозирча қурбон бўлганлар ҳақида маълумот йўқ. 5,5 магнитуда кучга эга бўлган зилзила Ироқ чегараси яқинидаги Дизфуль шаҳридан 59 километр нарида юз берди. Зилзила ўчоғи 10 километр ер қаърида бўлган.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

---

**ЭЪЛОНЛАР**

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 29.04.2011 йилда гувоҳнома рақами № 005403 билан рўйхатга олинган "MUSLIMA-FARM" МЧЖга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ҳамза туман Хотин-қизлар қўмитасига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Миробод тумани ТСРЎИ томонидан 19.04.2012 йилда гувоҳнома рақами № 005786 билан рўйхатга олинган "DAVRON-MOBILE PLUS" МЧЖга тегишли бўлган бир дона бурчак тамғаси, гувоҳнома ҳамда бухгалтерлик ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

---

Рассом хандаси




cartoon.kulichki.com

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Ирода НОРБОЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-1159. Адади 8019. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.15.